

ИННОВАЦИОН ДАСТУРИЙ-ДИДАКТИК МАЖМУА ВА УНИНГ ДИДАКТИК ТЎЛДИРМАСИ

Ашурова Дилфуза Набиевна

НДПИ, доцент, п.ф.ф.д.(PhD),

e-mail: dilfuz_2007@mail.ru, тел: 90-731-85-06

Тоштемирова Камола Эргашевна

НДПИ,

тел: 93-433-93-09

Аннотация.

Мақолада инновацион дастурий-дидактик мажмуаларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Электрон шаклдаги ўқув-услубий материаллар мажмуанинг асосий дидактик тўлдирувчиси сифатида келтирилади.

Калит сўзлар.

Модел, парадигма, дастурий, дидактик мажмуа, дидактик тўлдирувчи

Аннотация.

В статье рассматриваются роль и значение инновационных программно-дидактических комплексов в повышении эффективности образования. Учебно-методические материалы в электронном виде представлены в качестве основного дидактического дополнения комплекса.

Ключевые слова.

Модель, парадигма, программирование, дидактический комплекс, дидактическое дополнение.

Abstract.

The article discusses the role and importance of innovative software and didactic complexes in improving the effectiveness of education. Educational materials in electronic form are presented as the main didactic supplement of the complex.

Key words.

Model, paradigm, programming, didactic complex, didactic addition

Бугунги давр талаблари кечаги куннинг мезонларидан буткул фарқ қилади. Ҳозир замонавий фикрлайдиган, энг сўнгги янгиликлар билан ҳамнафас яшайдиган, кун сайин дунёкарашини бойитиб борадиган кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу жараёнда айниқса, олий таълим тизими зиммасига катта масъулият юкланади.

Тараққиётга эришиш замирида рақамли технологиялар, илм ва изланишнинг ўрни катта. Таълим тизимининг барча бўғинларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, замонавий билимларга интилиш халқимиз ҳаётини фаровонлашувига хизмат қилади.

Таълим тизими тамомила янги мазмун касб этаётган айни вақтда, таълим жараёнининг ажралмас бир бўлаги бўлмиш дарсликлар ҳамда фанлар бўйича ўқув адабиётларининг ўрни беқиёсдир.

Бугунги кунда барча соҳада дарсликларимиз аҳволи бугунги ва эртанги кун талаб даражасида эмаслиги, бу каби адабиётлар янги давр руҳида тарбия топаётган, билим олишга интилаётган ёш авлоднинг эҳтиёжини тўлақонли қондира олмай қолди. Янги, замон руҳига мос ўқув адабиётларини (ЎА) қайта таҳлилдан ўтказиш, таълим босқичлари бўйича унинг узвийлигини ва узлуксизлигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифасига айланиб қолди. Зеро, яратилаётган дарсликлар,

ўқув адабиётлари, илмий ва услубий қўлланмалар нафақат босма нашр кўринишида, балки компьютер ва ахборот технологияларига асосланган, зарур шароитларда, исталган вақт ва шароитда фойдаланиш мумкин бўлган янги электрон кўринишларда ҳам бўлишлиги мақсадга мувофиқ ва бу аллақачон амалиётда ўз исботини топмоқда.

Таълим тизими бугунги кунда эски моделдан янги, “*бутун умр мобайнида таълим олиш*” моделига ўтмоқда. Маълумки, янги моделда ўқитувчи янгича статусга (мавқега) эга бўлади, яъни талабаларнинг зарур билимларни эгаллашларида фақатгина дарс ёки маърузалар конспекти билан чегараланиб қолмай, балки бу билимларни турли манбалардан излаш, уларни мустақил эгаллаш, ўз шахсий нуқтаи-назарининг шаклланиши учун имконият яратиши керак.

Таълим жараёнида талабанинг фаоллигини ошириш кўп жиҳатдан жараённинг ташкил этилиши (шакли ва усули) ва ўқитиш воситаларига боғлиқ.

Инновацион дастурий-дидактик мажмуа (ИДДМ)лар таълим самарадорлигини таъминловчи ҳамда талабалар фаоллигини оширувчи ўқитиш воситаси сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Эндиликда фанлар бўйича ИДДМни бугунги ахборотлашган таълим тизими замонавий ўқитувчисининг “*асосий қуроли*” сифатида эътироф этиш мумкин.

Муайян предметни самарали ўқитиш мақсадида яратилган ҳамда ушбу предметни ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг фаоллигини оширишга қаратилган, инновацион услубиятга асосланган, ўқув материални махсус дастурий таъминот ва мультимедиали информацион технологиялар ёрдамида дидактик ишлаб чиқиш натижасида яратилган ўқув жараёнини ташкил этувчи кўп функцияли дастурий воситани – инновацион дастурий-дидактик мажмуа (ИДДМ) деб атаيمиз.

ИДДМ қуйидаги туркумлардан иборат:

- А) Предметга оид анъанавий ўқув–услубий комплекс;
- В) Инновацион компонент;
- С) Электрон шаклдаги ўқув-услубий материаллар;
- Д) Тармоқ технологияларига асосланган, компьютер ёрдамида турли машғулотларни ўтказиш ва ўзлаштириш имконини яратувчи, қулай интерфейсга эга бўлган дастурий таъминот.
- Е) ИДДМ нинг ашёвий базаси.

Табиийки бу компоненталарнинг барчасига янгича тафсилот бериш муҳимлигини, уларнинг масофавий таълим тизими шароитида ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлигини эътироф этиш мумкин.

ИДДМнинг таркибий қисмларининг ҳар бири муайян компоненталардан ташкил топади. Электрон шаклдаги ўқув-услубий материаллар ИДДМ ни ташкил этувчи асосий дидактик тўлдирувчиси бўлиб, у қуйидаги компоненталарни ўз ичига олади:

- электрон дарслик ёки дарсликлар;
- электрон ўқув қўлланмалар;
- электрон маъруза матнлари;
- электрон кутубхоналар;
- махсус (CD, Flash ва хоказо) сиғимлардаги аудиовизуал материаллар;
- интерфаол ўқув курслари;
- компьютерда виртуал лаборатория, жумладан ҳисоблаш тажрибасини ўтказиш учун лаборатория вазибалари;
- тест синовларини ўтказиш бўйича тизимлар [1].

ИДДМ учун жамланадиган мазкур дидактик тўлдирувчиларнинг таркиби ва мазмуни хусусида тўхталадиган бўлсак, аввало муайян фан бўйича яратилаётган мажмуада келтирилган адабиётлар, гиперҳаволалар, Интернет маълумотлари бир қатор талабаларга жавоб бериши лозим:

➤ ИДДМ таркибидаги ўқув дарсликлари, қўлланмаларнинг электрон вариантлари, компьютер амалиёти, электрон кутубхона адабиётлари ва шу каби ўқув материални ўргатувчи, такрорловчи воситалар ДТСларига тўла мос ҳолда яратилган бўлиши;

➤ ўқув материалнинг электрон кўриниши талабага тақдим этилганда уни тушунилиш даражасига алоҳида эътибор қаратилган бўлиши;

➤ фан бўйича керакли таърифлар, таянч иборалар, калит сўзларга мурожаат қилиш ва улардан фойдаланиш воситалари ҳам яратилган бўлиши;

➤ ҳар бир электрон манбаа дидактик ва психологик талаблар инобатга олинган бўлиши лозим.

Бугунги кунда олий ўқув юртларида фойдаланиладиган ўқув адабиётлари, услубий тавсиялар, маъруза матнлари, амалий машғулотлар учун ишланмалар, мисол ва масалалар тўплами ва шу каби таълимий ресурсларнинг электрон нусхаларини яратиш ва Интернетда муайян фанни ўқитиш методикаларига бағишланган махсус сайтлар яратиш, унда on-line кутубхонасига мазкур қўлланмаларни қўйиш муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

Фанлар бўйича дастурий-дидактик мажмуалар Ўзбекистон олий таълим тизимида тааллуқли меъёрий ҳужжатлар билан тўлдирилган ва соҳага тегишли бўлган сўнги йилларда қабул қилинган қарорлар, жумладан, таълим тизимида доир “йўл харитаси”да келтирилган истиқболлар, бу йўналишдаги тадқиқотларни долзарб эканлигини асословчи фактор бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Yuldashev Z.Kh., Ashurova D.N. Innovative-didactic program complex and new formalized model of education. Malaysian Journal of Mathematical Sciences 6(1):, 2012, - P. 97-103
2. Ashurova D.N. Innovative–Didactic Program Complex as Mean of Implementing New Education Paradigm // *Eastern European Scientific Journal (Gesellschaftswissenschaften): Düsseldorf (Germany): Auris Verlag, 2018, № 3. – pp. 380-386.*